Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «HOMBUR-AUDIT» аудиторлик ташкилоти

Манзил:Қарши шахри, Насаф куч.19-уй.Тел,+99891-453-79-14
Банк:Қишлоқ қурилиш банк Қарши ш. филиали **МФО** 00155, **Х/р**.20208000604347269001 **СТИР:**205192434,
Лицензия: Аудиторлик фаолияти буйича Узбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2019 йил 01 апрель кунидаги 00749-сонли лицензиясига эга.

Салбий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Мен Жавлиев Шеркузи Мустофаевич Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги **«HOMBUR-AUDIT»** аудиторлик ташкилотининг аудитори (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 11 июндаги № 05393 сонли малака сертификатига эга) томонидан хўжалик юритувчи субъект **“MUBORAKNEFTGAZTRANS» АЖнинг** Молиявий хисоботлари (Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тугрисидаги хисоботи)дан иборат.

2019-йил 01 январ холатидаги тузилган оралик молиявий хисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан утказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятнинг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз **“MUBORAKNEFTGAZTRANS» АЖнинг** илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асос бўлади.

Бизнинг фикримизча, махсус қисмда қайд этилган салбий фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

Салбий фикр билдириш учун асос

Хўжалик юритувчи субъект томонидан бухгалтерия хисоботида 31. 12.2018 холатига ДСИ солиштирма далолатномада жамиятнинг 1 078 129,8 минг сум ва ортикча тулови 565 671,84 минг сум курсатилган. бухгалтерия балансида 142 573,0 минг карздорлик ва 848 634,0 минг сумл ортикча тулови курсатилган. Карздорлик 935 556,8 минг сум ва ортикча тулов 282 962,16 сумга фарк мавжуд бу эса бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳисобланади ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларини аҳамиятли даражада бузиб кўрсатилишига олиб келади.

Салбий фикр

Бизнинг фикримизча салбий фикр билдириш учун асос бўладиган қайд этилган вазиятларнинг муҳимлилиги натижасида **“MUBORAKNEFTGAZTRANS» АЖнинг** 2019 йил 01 январ ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттирмайди.

МЧЖШ «HOMBUR -AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори: **Ш.Жавлиев.**
21.06.2019 йил